2016 ЙИЛ 5 СЕНТЯБРЬ, ДУШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 187 (13.250)

Баҳоси эркин нархда

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ МЕЪМОРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида 4 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов хотирасига бағишланган маросим бўлди.



Президентимиз портрети пойига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси ходимлари, вазирлик ва идоралар жамоалари, мамлакатимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус раҳбарлари, кенг жамоатчилик вакиллари юксак ҳурмат бажо келтириб, гуллар қўйди.

– Ўзбекистон халқига чуқур ҳамдардлик билдирамиз, – деди Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Сунь Лицзе. – Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов мустақилликка эришиш, давлатни ҳар томонлама ривожлантириш, шунингдек, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшди. Ислом Каримов бошлаган буюк ишлар давом этишига, Ўзбекистон янада равнақ топишига ишонамиз. Ислом Каримовнинг Ўзбекистон – Хитой муносабатларини изчил ривожлантириш йўлидаги ишлари ва амалга оширган ислоҳотларини давом эттириб, ўзаро ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлайверамиз.

– Ислом Каримовнинг вафоти нафақат Ўзбекистон халқи, балки бошқа мамлакатлар, хусусан, Россия учун ҳам оғир йўқотиш бўлди, – деди Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Владимир Тюрденев. – Ислом Каримов Россия билан Ўзбекистон ўртасидаги иттифоқчилик муносабатлари ва стратегик ҳамкорликнинг ривожланиши ҳамда мустаҳкамланишига катта ҳисса қўшди. Ўзбекистон босиб ўтган тараққиёт йўли Ислом Каримов номи билан боғлиқ экани барчамизга аён. Унинг хотираси Ўзбекистон халқи юрагида умрбод муҳрланиб қолади. Ўзбекистон халқи Ислом Каримов танлаган йўлдан оғишмай олға боришига ишонамиз. Унинг оила аъзоларига, Ўзбекистон халқига чуқур ҳамдардлик билдирамиз.

– Барчамиз қаттиқ қайғудамиз, – деди Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Памела Спратлен. – Ислом Каримов оиласига ва Ўзбекистон халқига чуқур ҳамдардлик билдирамиз. АҚШ Ўзбекистоннинг узоқ муддатли ҳамкоридир. Ўзаро алоқаларни давом эттириш тарафдоримиз. Халқингизга сиҳат-саломатлик, фаровонлик ва барқарорлик тилаймиз.

– Шанхай ҳамкорлик ташкилоти номидан бутун Ўзбекистон халқига чуқур ҳамдардлик билдираман, – деди Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси директори Евгений Сисоев. – Ислом Каримовни юксак ҳурмат қилар эдик. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти ШҲТнинг ташкил этилиши, фаолияти кўлами кенгайишига ҳар доим алоҳида эътибор қаратар эди. Ислом Каримовнинг бевосита ташаббуси билан Тошкент шаҳрида ташкил этилган ШҲТнинг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси 13 йилдан буён муваффақиятли фаолият олиб бормоқда. Ўзбекистон халқи, улкан йўқотишдан чекаётган қайғуингизга шерикмиз.

Нигоҳларида қатъият, ишонч ва меҳр балқиб турган Ислом Каримовнинг суратига қараб, шу заминда яшаётган ҳар бир инсон буюк Президентимиз амалга оширган эзгу ишлар – хал-қимиз учун дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган шароитлар яратилгани, қудратли давлатчилигимиз барпо этилгани, давлатимиз жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлганини яна бир бор ҳис қилиб, буларни кўз қорачиғидек асраш, бошланган эзгу ишларни давом эттиришга масъул эканини теран англамоқда.

– Юртбошимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон тараққиёти, халқимиз манфаати йўлида амалга оширган ишлари, ислоҳотлари йиллар оша қадри ошиб боришига шубҳа йўқ. Бу инсоннинг хотирасини нафақат бугунги, балки келажак авлодлар ҳам мустақиллигимиз меъмори сифатида юксак қадрлайди. Ислом Каримов – тинчликпарвар сиёсатчи, буюк давлат асосчиси сифатида жаҳон тарихида ўчмас из қолдирди, – деди пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек туманининг Навоий номидаги маҳалласида истиқомат қилувчи Саъдулла Насриддинов.

– Президентимизнинг "Бизга тинчлик ва омонлик керак" деган эзгу даъвати Ўзбекистон оналарининг дилидаги, тилидаги орзу-нияти бўлиб келган, – деди Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси марказий кенгаши раиси ўринбосари Мухлиса Акромова. – Ана шундай эзгу мақсадларни рўёбга чиқарган Ислом Каримов юртимизда миллатлар ва фуқаролараро ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат муҳитини қарор топтирди, мустаҳкамлади. Бу барқарор муҳит юртимизда барча соҳаларда юксак ютуқ ва натижаларга эришилишига пухта замин яратди. Биз буни кўз қорачиғидек асраб-авайлаб, келажак авлодимизга тинч ва обод Ватан қолдириш йўлида фидойилик кўрсатишимиз шарт.

– Президентимиз Ислом Каримов биз, ёшларни фарзандларим, деб атаганларидан доим фахрланганмиз, – деди Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети 2-босқич талабаси Омонулла Собиров. – "Биз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва кам бўлмаймиз", деган даъватлари бизни доим олға интилишга ундайди. Юртбошимизнинг пок руҳи, ўгитлари биз, ёшларга мустаҳкам таянч бўлади. Биз у кишининг муносиб издошлари бўлишга ваъда берамиз.

Н.АБДУРАИМОВА,
Б.БОЗОРОВ,
ЎзА мухбирлари

ТАЪЗИЯНОМАЛАР

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг вафоти муносабати билан хорижий давлатлар, ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, таниқли жамоат арбоблари, ишбилармон ва академик доиралар вакилларидан таъзияномалар келмоқда. Мазкур таъзияномаларда ушбу қайғули дамларда Ўзбекистон раҳбарияти, халқи ва Ислом Каримовнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдирилиб, сабр-тоқат тиланган.

Қуйидагилар ўз таъзияномаларини йўллаган:

БМТ Бош котиби – **Пан Ги Мун**

Америка Қўшма Штатлари Президенти – **Барак Обама**

Россия Федерацияси Президенти – **Владимир Путин**

Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси – **Дмитрий Медведев**

Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири – **Сергей Лавров**

Хитой Халқ Республикаси Раиси – **Си Цзиньпин**

Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бош вазири – **Ли Кэцян**

Хитой Халқ Республикаси ташқи ишлар вазири – **Ван И**

Қозоғистон Республикаси Президенти – **Нурсултон Назарбоев**

Қозоғистон Республикаси Парламенти Мажилиси Раиси – **Нурлан Нигматулин**

Туркманистон Президенти – **Гурбангули Бердимуҳамедов**

Тожикистон Республикаси Президенти – **Имомали Раҳмон**

Қирғизистон Республикаси Президенти – **Алмазбек Атамбоев**

Афғонистон Ислом Республикаси Президенти – **Муҳаммад Ашраф Ғани**

Озарбайжон Республикаси Президенти – **Илҳом Алиев**

Беларусь Республикаси Президенти – **Александр Лукашенко**

Беларусь Республикаси ташқи ишлар вазири – **Владимир Макей**

Украина Президенти – **Пётр Порошенко**

Корея Республикаси Президенти – **Пак Кин Хе**

Корея Республикаси Бош вазири – **Хван Гё Ан**

Корея Республикаси ташқи ишлар вазири – **Юн Бён Се**

Япония Бош вазири – **Шиндзо Абэ**

Япония Бош вазири рафиқаси – **Акиэ Абэ**

Япония Бош вазири ўринбосари, молия вазири, парламентдаги Ўзбекистон билан дўстлик лигаси раиси – **Таро Асо**

Япония ташқи ишлар вазири – **Фумио Кисида**

Ҳиндистон Республикаси Президенти – **Пранаб Мукержи**

Туркия Республикаси Президенти – **Режеп Тайип Эрдўғон**

Туркия Республикаси Бош вазири – **Бинали Йилдирим**

Покистон Ислом Республикаси Президенти – **Мамнун Ҳусайн**

Покистон Ислом Республикаси Бош вазири– **Муҳаммад Навоз Шариф**

Эрон Ислом Республикаси Президенти – **Ҳасан Руҳоний**

Сингапур Республикаси Президенти – **Тони Тан Кенг Ям**

Германия Федератив Республикаси Федерал Президенти – **Йоахим Гаук**

Бельгияликлар Қироли – **Филипп**

Латвия Республикаси Президенти – **Раймондс Вейонис**

Латвия Республикаси ташқи ишлар вазири – **Эдгарс Ринкевичс**

Латвия Республикаси Сейми Президиуми аъзоси – **Андрей Клементьев**

Словения Республикаси Президенти – **Борут Пахор**

МДҲ Ижроия қўмитаси раиси – Ижрочи котиби – **Сергей Лебедев**

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Котибияти

КХШТ Бош котиби – **Николай Бордюжа**

БМТ Тараққиёт дастури администратори – **Ҳелен Кларк**

"МАКСАМ" компаниясининг президенти ва ижрочи директори – **Хосе Фернандо Санчес-Хунко**

Испания Археологлар уюшмаси бош котиби – профессор **Хесус Хил**

Америка – Ўзбекистон савдо палатаси раиси – **Кэролин Лэмм**

Америка – Ўзбекистон савдо палатаси президенти – **Стивен Надерни**

"Туркистон – Америка ассоциацияси" раиси – **Абдулла Хўжа**

Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети ректори – **Виктор Гришин**

Халқаро болалар фондлари ассоциацияси Президенти – **Альберт Лиханов**

Сан Пабло университети профессори (Мадрид шаҳри), Марказий Осиё мамлакатлари бўйича эксперт – **Антонио Алонсо**

Таъзияномалар келиши давом этмоқда.

Хотира дарслари

ЎЗБЕКИСТОННИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, барчамиз учун қадрли инсон бўлган Ислом Каримов ўз ҳаёти ва тақдирини жонажон Ўзбекистонимиз, халқимизга бағишлади.

Мамлакатимиздаги барча таълим масканларида 4 сентябрь куни Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг порлоқ хотирасига бағишланган "Хотира дарслари" бўлиб ўтди.

Улуғ раҳбаримизнинг Ватан равнақи, халқимиз олдидаги буюк хизматларини ёдга олиш мақсадида ташкил этилган мазкур дарсларда турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг мутасаддилари, профессор-ўқитувчилар, маънавият тарғиботчилари, тарихчи олимлар, ёзувчи ва шоирлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов халқимиз, айниқса, ёш авлод камолоти йўлида мунтазам ғамхўрлик кўрсатганини бутун жаҳон жамоатчилиги эътироф этмоқда. Юртбошимизнинг хотирасини азиз ва муқаддас билиш, истиқлол йилларида мамлакатимизда навқирон авлоднинг порлоқ келажаги йўлида яратилган шароит ва имкониятларни қадрлашга ўргатиш, ёшлар қалбида Ватанга муҳаббат, юртпарварлик туйғусини мустаҳкамлаш кенг жамоатчилик, таълим фидойилари, ота-оналар зиммасидаги энг масъулиятли вазифадир.

Ислом Каримов мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси, юртимизни собиқ мустабид тузум қарамлигидан озод қилиб, уни замонавий асосда тараққий эттириш стратегиясини, бутун жаҳонда "ўзбек модели" деган ном билан тан олинган ривожланиш йўлини ишлаб чиққан, жаҳон миқёсида катта обрў-эътибор қозонган буюк давлат ва сиёсат арбоби сифатида Ватанимиз тарихида мангу қолади. Халқимиз ўзининг тарихан қисқа муддат – 25 йилда эришган барча ютуқ ва марраларини ҳақли равишда Президент Ислом Каримов номи билан боғлайди ва шу улуғ инсоннинг хизматлари, деб билади.

Ўқувчилар Президентимизнинг таржимаи ҳоли билан таништирилгач, махсус мониторда намойиш этилган фильмда Ислом Каримовнинг Ўзбекистон мустақиллигининг асосчиси, мамлакат мустақил тараққиёт дастурини ишлаб чиққан ва миллий тараққиёт йўлини белгилаб берган атоқли давлат арбоби, юртимизда амалга оширилган улкан ислоҳотлар, тарихий ўзгаришларнинг ташаббускори ва раҳнамоси сифатидаги хизматлари ҳақида сўз юритилди.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОННИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мустақиллигимизнинг маънавий асосларини яратиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, ижтимоий-иқтисодий жабҳалардаги туб ислоҳотлар, дунё мамлакатлари билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик, Қуролли Кучларимизнинг қудратини ошириш йўлидаги ишлар бевосита Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилди. Президентимизнинг узоқни кўзлаган доно сиёсати, матонати, жасорати билан Ўзбекистон тинчлик ва осойишталик барқарор, турли миллат ва диний конфессиялар вакиллари ўзаро ҳамжиҳат, аҳил ва тотувликда истиқомат қилаётган мамлакатга айланди.

– Собиқ тузум даврида мутелик, қарамлик исканжасига тушиб қолганимизни катта авлод вакиллари яхши эслайди, – дейди 169-умумтаълим мактаби директори Ёркиной Маматова. – Миллат дарди – менинг дардим, деб майдонга чиққан Президент Ислом Каримовнинг жасорати билан бутун минтақамизда ғараз ниятли найрангларга, турли фитналарга барҳам берилди. "Пахта иши", "Ўзбеклар иши" деган туҳматларга чек қўйилди. Ноҳақ қамалган, жабр чеккан минглаб юртдошларимиз озод этилди. Бугун ёшларимиз тинч ва осойишта осмон остида, ота-онаси бағрида эмин-эркин улғаймоқда. Улар истиқлолни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, унинг қадрига етиш зарурлигини, бу ёруғ ва саодатли кунларимиз, бахтиёр ҳаётимиз халқимизнинг фидойи инсонлари чеккан машаққатлар эвазига келганини билиши керак.

Мамлакатимизнинг барча таълим масканларида бўлгани каби академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўтган "Хотира дарслари"да ҳам Биринчи Президентимизнинг жонажон Ватанимиз буюк келажаги, тинчлиги ва осойишталиги, халқимиз фаровонлиги йўлидаги фидокорона меҳнатлари ҳақида ҳикоя қилинди.

– Президентимиз Ислом Каримовнинг Ватанимиз мустақиллиги, халқимиз озодлигини таъминлаш йўлидаги чеккан заҳмати, милатимиз олдидаги юксак хизматларини ёшлар онги ва қалбига сингдириш ғоят улкан маънавий-маърифий, тарбиявий аҳамиятга эга, – дейди Тошкент шаҳрининг Сергели туманидаги молия ва иқтисодиёт коллежи директори Отабек Мирзағаниев. – Айниқса, Президентимизнинг мамлакатимизни дунёдаги ривожланган давлатлар қаторига кўтариш, халқимизнинг ҳаёт сифатини ошириш, Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтиришдаги хизматлари халқаро микёсда эътироф этилмоқда.

Машғулотлар жараёнида келтирилган факт ва рақамлар Ўзбекистонда истиқлол йиллари эришилган улкан ютуқлар ҳақида ҳикоя қилади. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, уч босқичли спорт мусобақалари тизими ташкил этилди. Жамғарма маблағлари ҳисобидан жойларда 300 га яқин болалар мусиқа ва спорт мактаби, 1 минг 900 дан зиёд спорт иншооти бунёд этилди. Сўнгги 10 йилда болалар ва ўсмирларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиш даражаси 30 фоиздан 57 фоизга, қизлар ўртасида 24 фоиздан 47 фоизга етди.

12 йилдан бери мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ўсиши кўрсаткичи саккиз фоиздан зиёд бўлиб келмоқда.

– Бугунги дарс жараёнида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг нақадар жасоратли, мард, қатъиятли, узоқни кўра олувчи, зукко, эл-юрт ташвишларини ўз ҳаётининг маъно-мазмунига айлантирган инсон эканига яна бир карра амин бўлдик, – дейди ушбу коллеж ўқувчиси Моҳичеҳра Абдукаримова. – Халқимизнинг буюк фарзанди Ислом Каримовнинг порлоқ хотираси барча юртдошларимиз сингари биз – ёшларнинг ҳам қалбимизда мангу муҳрланиб қолади.

Тошкент темир йўл муҳандислари институтида ҳам "Хотира дарслари" замонавий ахборот, педагогик технологиялардан кенг фойдаланилган ҳолда ҳаётий мисоллар ёрдамида ўтилди.



Собиқ тузум даврида Ўзбекистон иқтисодиёти бирёқлама ривожланган, аҳолининг ҳаёт даражаси ачинарли аҳволга тушиб қолган аграр республика эди. Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида мамлакатимиз суверенитетининг иқтисодий асосларини мустаҳкамлашга оид дастурлар, жумладан, Ўзбекистоннинг ғалла мустақиллиги, ёқилғи-энергетика, транспорт-коммуникация соҳасидаги мустақиллигини таъминлашга эришилди. Нефть ва газ кимёси, нефть-газ машинасозлиги, автомобилсозлик, қурилиш материаллари саноати, темир йўл машинасозлиги, маиший электроника, фармацевтика, юқори технологияларга асосланган озиқ-овқат, тўқимачилик саноати каби соҳа ва тармоқларнинг изчил равнақ топаётгани бу борадаги пухта сиёсатнинг амалий натижасидир.

– Президентимиз доим биз – ёшларга мурожаат этганларида "Азиз фарзандларим, маррани баланд олинглар. Ўқиб-ўрганиш, касб эгаллаш, изланишдан бир муддат ҳам тўхтаманг", деб кўп бора такрорлаб, шу муқаддас заминни обод этиш, уни ҳимоялаш барчамизнинг бурчимиз эканини уқтирар эди, – дейди ушбу институт талабаси Умид Мажидов. – Юртбошимиз каби Ватанимизга содиқ, фидойи, мард ва жасур, қатъиятли бўлиш бизларнинг чин фарзандлик бурчимиздир.

"Хотира дарслари" мамлакатимиздаги барча таълим муассасаларида бўлиб ўтди. Юртга фидойилик, ватанпарварлик, одамийлик, ибрат сабоқларига айланган ушбу дарсларда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг порлоқ хотираси барча ўғил-қизларнинг ёдида мангу сақланиб қолиши, улар Ватанимизни, мустақиллигимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаши, тинч ва осойишта кунларнинг қадрига етиши, юртимиздаги ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаши – бу барча юртдошларимиз каби ёшларнинг ҳам бурчи экани алоҳида таъкидланди.

ЎзА

Куни кеча қалбларимизни ларзага солган оғир жудоликдан ўзимга кела олмадим. Кўнглим ҳувиллаб қолди. Бир илинж истаб мамлакатимизнинг бош майдони – Мустақиллик майдонига бордим. Майдондаги ҳар бир деталга синчиклаб разм соламан. Давлатимиз раҳбарининг "Биздан обод ва озод Ватан қолсин!" деган эзгу мақсадлари ижобати кўз ўнгимда гавдаланади.

Дарҳақиқат, Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда олиб борилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари мана шу майдондан бошланган десак, хато бўлмайди.

...Эзгулик аркаси қаршисидаман. Тинчлик, осойишталик, хотиржамлик дарвозаси сифатида қад ростлаган бу иншоот халқимизнинг ғурури каби юксак. Парвозга шайланаётган турналар халқимизнинг буюк орзу-мақсадларини рўёбга чиқариш йўлидаги юксак интилишлари, қатъияти ва иродаси, оқ лайлаклар эса тинч ва осуда ҳаётимиз, фаровонлик ва қут-барака тимсолларидир. Арканинг баланд ва мустаҳкам устунлари мамлакатимиз ривожи учун пойдевор бўлаётган бақувват таянчлар ифодасидир. Бу остонадан ўтадиган ҳар бир инсон муқаддас даргоҳга қадам қўяётганини ҳис қилади. Майдон ҳамиша яшнаб, барқ уриб турадиган кўкаламзорлари, етти иқлимдан келтирилган анвойи гулу буталари, манзарали дарахтлари билан кўзни қувонтиради.

Президентимиз Ислом Каримов 2005 йил 28 декабрда Мустақиллик майдонида янги барпо этилган монумент пойига илк бор гулчамбар қўйган эди. Майдонда мустақиллигимизнинг дастлабки йилида қад ростлаган Мустақиллик ва эзгулик монументи олдида фарзандини бағрига босиб, унга ишонч билан термулиб турган Бахтиёр она ҳайкали бунёд этилди. Бундан мақсад халқимизнинг орзу-интилишларини теран ифода этиш, ёшларимизнинг маънавий оламини эзгу ғоялар асосида шакллантириш ва камол топтиришдан иборатдир. Монумент ўз меъморий ечими, ғоявий-бадиий мазмуни билан Ўзбекистон танлаган йўл – Мустақиллик йўлининг таъсирчан ифодасига, асрий қадриятларимизнинг яққол намоёнига айланди.

Икки қатор қилиб экилган ям-яшил арчалар орасидаги йўлаклар Бахтиёр она ҳайкали томон олиб боради. Ҳайкал пойида бош эгаман. Бахтиёр она – она Ватан рамзи. Бу буюк тушунчанинг айнан она сиймоси орқали ифодаланиши, мамлакатимиз бош майдонида Бахтиёр она ҳайкалининг барпо этилиши онага, аёл зотига ҳурмат-эҳтиром нақадар юксак эканидан далолат. Чунки инсоннинг маънавияти ва дунёқарашини шакллантирадиган мезонлар она бағрида, оила муҳитида куртак ёзади. Онани ардоқлаш, меҳр-муҳаббатига яраша эъзоз ва эътибор кўрсатиш Юртбошимизнинг диққат марказидаги масалалардан эди.

Сал нарида невараси билан нуроний отахон кўринади. Отахон ҳар бир иншоот ҳақида батафсил гапириб бермоқда: "Бу Ер шари тасвири. Унинг марказида Ўзбекистон харитаси жой олган, у Мустақиллик ва эзгулик монументи деб аталади...".

Отахон тўхтаб атрофга назар солди. Неварасининг бошини силаб сўзида давом этди: "Илгари бу жойлар "Қизил майдон" деб юритилган. Ёзнинг жазирамасида оловдек қизиб ётган бетондан иборат маскан энди ўйлаб кўрсам ўша тузумнинг кичкина намунаси бўлган экан".

Дарҳақиқат, ҳар бир жой номига муносиб бўлади. Мустақиллик майдонининг кўрки ва тароватидан юртимиздаги ободликнинг нафаси келиб турибди.

Умумхалқ байрамлари ва тантанали маросимларда, спортчиларимизни халқаро мусобақаларга кузатиш чоғида ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументини зиёрат қилиш яхши анъанага айланган. Мамлакатимизга ташриф буюрган хорижий давлатлар раҳбарлари, турли даражадаги делегациялар вакиллари ҳам давлатимизга бўлган ҳурматини ушбу монумент пойига гул қўйиш орқали ифода этади.

Қуёш порлаб, майин эсаётган шабада дилларни тетиклаштиради, майсалар оҳиста тебранади, майдондаги ям-яшил арчалар, турфа гуллар кўзни қувонтиради. Юрагимдаги ажиб сокинликни, унинг замиридаги тинчлик ва осойишталикни янада теранроқ ҳис этгандек бўламан.

Қуёш нурида жилоланувчи фавворалар кўнгилга мусаффолик бахш этди. Фавворалар нафақат тинч ва осойишта ҳаётимиз, балки мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишларининг ёрқин ифодасидир. Фавворалар ансамбли меъморий услуби ва кўлами жиҳатидан атрофидаги маъмурий биноларга кўркамлик бағишлайди. Ҳароратни мўътадиллаштириб, атрофга салқинлик бахш этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, Вазирлар Маҳкамаси бинолари, Хотира хиёбони, "Туркистон" саройи, маъмурий бино, Маърифат маркази мажмуаси, "Пойтахт" бизнес маркази, Тасвирий санъат галереяси, Ёшлар ижод саройи каби замонавий комплекслар Мустақиллик майдонининг умумий манзарасини тўлдириб, унинг ҳуснига ҳусн қўшиб турибди.

Мотамсаро она ҳайкали томон юраман. Онанинг қиёфаси кишини маъюс торттиради. Бу она қиёфасида Иккинчи жаҳон урушига кетган 1,5 миллион эр йигитнинг қайғуси мужассам. Ўша йиллари йиғлайвериб, кўз ёшлари қуриган меҳрибон она фарзандидан, аёллар суянчиғидан, опалар укасидан, сингиллар акасидан ажралганининг тимсоли бу.

Хотира хиёбонидаги зарҳал "китоб"ларда номлари қайд этилган ярим миллион аскарнинг руҳи мусаффо осмонимиз узра учиб юргани аниқ. Улар мотамсаро онага "Дард чекма она, энди фарзандларинг уруш деган балога йўлиқмагай" деяётгандек гўё.

Ўриндиқда қўлларини дуога очиб ўтирган онахонга кўзим тушди. Беихтиёр мен ҳам юзимга фотиҳа тортдим. Салом бериб, ёнига ўтирдим.

– Отамнинг қабри қаердалигини билмайман, – деб гап бошлади ўзини Муҳрима Шотурсунова деб таништирган онахон. – Уруш йиллари беш ёшда эдим. Отамнинг дийдорини аниқ эслайман. Кейин аскарлик пайтида тушган суратларини юборган. У даврларда инсоннинг қадри ҳам йўқ экан-да. Қаерда вафот этган, қандай вафот этган, дафн қилинганми-йўқми, буниси қоронғу. Отамни соғинганда шу ерга келиб, ҳаққига дуо қилиб тураман.

Онахон ўрнидан қўзғалар экан чуқур нафас олиб, "Номингдан айланай тинчлик! Тинчлик бор жойда ҳаловат бўлади, тўйлар бўлади, тинчлик бор жойда уйлар қурилади. Тинчликни асраш, қадрига етиш керак", деди.

Мустақиллик майдонидан чиқаркан отасининг қўлидан ушлаб боғчадан, онасининг ёнида мактабдан қайтаётган, футбол майдонида шодон тўп тепаётган, анҳорда чўмилаётган, спорт анжоми ё чолғу асбобини елкалаб олган болаларни кўриб, дилим яйрайди. Юртбошимизнинг эзгу ишларини ёшлар, қолаверса, шу болажонлар давом эттиражак.

Абу Бакир ЎРОЗОВ,
ЎзА мухбири

МУСТАҚИЛ ЮРТНИНГ МУАЗЗАМ МАЙДОНИ

Бундан 25 йил муқаддам – 1991 йил 5 сентябрда мамлакатимизнинг бош майдонига Мустақиллик майдони номи берилган



ЧЕТ ТИЛЛАРИ ПУХТА ЎРГАТИЛМОҚДА

Бугунги кунда ҳукуматимиз томонидан мактаб ўқувчилари ўртасида чет тилларни, хусусан инглиз тилини ўқитишга катта эътибор қаратилаяпти. Биргина Яккасарой туманида жойлашган 91-умумтаълим мактабида бу борада амалга оширилаётган ишлар эътиборга моликдир.



Таълим масканида ўқувчиларнинг билим олишлари учун барча шароитлар яратиб берилган. Кенг ва ёруғ синфхоналар, кутубхона, фаоллар ва спорт зали ўқувчилар ихтиёрида. Айниқса, мактабда ўқувчиларни инглиз тилига ўргатиш борасида катта тажриба тўпланган.

– Мактабда 952 ўқувчи таълим олади. 2008 йилдан мактабга инглиз тилига ихтисослаштирилган мактаб мақоми берилган, – дейди таълим маскани директори Азиза Темирова. – 9 нафар инглиз тили мутахассиси ёшларга чуқурлаштирилган ҳолда дарс беришади. Ўқувчилар 1-синфга қабул қилиниб, бир йил ўқигандан кейин 2-синфдан танлов асосида ихтисослаштирилган синфга саралаб олинади.

Таълим даргоҳига 2015 йил ноябрь ойида янги жиҳозлар келтирилди: 3 та видео проектор, интерактив доска, 2 та ДВД плейер, 2 та компьютер, 2 та магнит доска олинди. Бугунги кунда ўқитувчилар ушбу жиҳозлардан самарали фойдаланишга ҳаракат қилишмоқда. Мактабда ҳар чоршанба "инглиз тили куни" деб эълон қилинган, ўқувчилар шу куни инглиз тилида эркин мулоқот қилишади, тадбирлар соф инглиз тилида ўтилади.

Ўқувчиларга инглиз тилини ўқитишда тажрибали педагогларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда. Ирина Чекаматова бир пайтлар шу мактабда таълим олган, олий ўқув юртида инглиз тили мутахассислиги бўйича дипломни қўлга олгач, яна айнан қадрдон мактабига қайтиб келди. Унинг шогирди Малика Шукурова чуқур педагогик билимга эга. Яна бир ўқитувчи Дилноза Жўраева яқинда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетини битириб келди. У тиришқоқлиги боис қисқа даврда ўқувчиларни ўзига жалб қила олди. Унинг дарсларида ўқувчилар жуда фаол.

– Ўқувчиларимнинг ютуқларидан доимо қувонаман, – дейди мактаб директори Азиза Темирова, – улар мактабни тамомлагандан кейин 3 йил академик лицейда ўқишади, ўтган йили 45 нафар ўқувчим инглиз тилига ихтисослашган лицейларга ўқишга кирди. Олий ўқув юртига кирганлари келиб, мени табриклаб, қувончини баҳам кўришганида, қалбим ғурурга тўлди.

Ҳа, айтиш мумкинки, Яккасарой туманидаги 91-умумтаълим мактабида ўқувчиларни ҳар томонлама билимли ва интеллектуал қилиб тарбиялашда педагогик жамоанинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Мактаб ўқувчиларининг республика ва халқаро олимпиадаларда, турли танловларда қўлга киритаётган ютуқлари фикримизга далил бўла олади.

Қ.ЗОКИРОВ

Бугунимиз ва эртамизнинг буюклиги халқимизнинг юксак маънавияти, маданияти ҳамда маърифати билан чамбарчас боғлиқдир. Шаҳримиз туманларидаги маънавият тарғибот бўлимлари раҳбарлари ўз ҳудудларида маънавий баркамоллик, маънавий етуклик, маънавий-ахлоқий бурч ва қадриятлар жамланмаси доирасида кенг кўламли ишларни амалга оширмоқдалар.

ЭЗГУ ҒОЯЛАРГА САДОҚАТ – ЮКСАК ҚАДРИЯТ

Жумладан, Олмазор тумани Маънавият тарғибот бўлими томонидан ҳам ишлаб чиқилган режа асосида ҳудуддаги барча корхона, ташкилот ва муассасаларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини сингдириш мақсадида ҳар ҳафтада "Маънавият соатлари" ўтказилиб борилмоқда.

"Маънавият соатлари"да фуқароларни маданий меросимизга, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида қарашга, Ватанга муҳаббат, юртга садоқат туйғуларини янада шакллантиришга, ёшларни истиқлол ғояларига содиқлик билан тарбиялаш ва энг асосийси маънавиятнинг асл моҳиятини уларга тушунтириш ва шарҳлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда туманда 58 та маҳалла, 47 та мактабгача таълим муассасаси, 31 та мактаб, 8 та касб-ҳунар коллежи, 8 та академик лицей, 3 та мактаб интернат, 4 та олий таълим муассасалари, 4546 та кичик, 479 та йирик корхоналар ва 181 та транспорт ташкилотлари фаолият юритмоқда.

Ушбу муассасаларда аҳолининг, айниқса ёшлар ҳаётида маънавий ҳаётнинг барча жиҳатларини ислоҳ этиш, миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, ёшларимиз баркамоллигини таъминлаш борасида қизғин ишлар олиб борилмоқда.

— Туманимиз барча жабҳалар, жумладан, ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳам пойтахтимизнинг илғор туманларидан бири ҳисобланади, – дейди биз билан суҳбатда Олмазор туман Маънавият тарғибот бўлими раҳбари Озод Мамашокиров. – Маънавият тарғибот бўлими томонидан маънавиятимизни, маданиятимизни оширишга хизмат қиладиган, қадриятларимизни қадрлашга чорлайдиган, ёшларимизни зийракликка, огоҳ ва сергакликка даъват этадиган турли мавзудаги тадбирларни доимий равишда уюштириб келмоқдамиз.

"Ватан муқаддасдир", "Соғлом она ва бола саломатлиги муҳофазада", "Миллий-маънавий қадриятларнинг ўрни", "Оммавий маданият", "Тил тараққиёти ва маънавият", "Маҳаллам — саждагоҳим", "Огоҳлик — давр талаби", "Аждодлар мероси", "Келажакка нурли йўл", "Гиёҳвандлик — аср вабоси", "Энг ёш тарғиботчи" каби бир қанча тадбирлар шулар жумласидандир. Ўтказилаётган ҳар бир тадбир инсонларни, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, бағрикенглик, меҳр-оқибат, камтарлик каби умуминсоний фазилатлар руҳида тарбиялашга хизмат қилади. Шу билан бирга уларнинг маънавий оламини юксалтиришга, қалбига эзгулик ва яхшилик туйғусини янада теранроқ сингдиришга хизмат қилади...

Дарҳақиқат, бугунги кунда олиб борилаётган тарғибот ва ташвиқот жараёни замирида инсонларни маънавий тажовузлардан асраш, уларни ҳушёрликка чорлаш, мавжуд хавф ва таҳдидларнинг оқибатларини англаб етиш, ёшларимиз онгида эзгу ғояларга садоқат туйғуларини тарбиялашга қаратилган тизимли ва аниқ мақсадли ишлар амалга оширилмоқда.

Зеро, кенг қамровли аҳоли ва ёшларимиз қалбида соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлаш бўйича самарали ишларни йўлга қўйиш асосий вазифамиздир.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

БОЛА ТАРБИЯСИГА ЭЪТИБОР – КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

Фарзанд гулга ўхшайди, уни ўз вақтида парваришламасанг, сен истаётган ифор-у хушбўй ҳидни бермайди. Албатта гулга сув берилиши, қуёш нури тушадиган жойга экилиши, минерал ўғитларнинг канда қилмасдан бериб турилиши, энг асосийси унга доимо эътибор ва парвариш керак бўлади. Гул бўлиб гулзорларимизнинг чиройига чирой бағишлашидан тортиб, бир назар солганимизда киши руҳиятини кўтариб, ажиб бир туйғу пайдо қилади.

Агар гулни эътиборсиз қолдирсанг, у қуриб боради ё бўлмаса бегона ўтлар унинг танасини эгаллаб олади, оқибатда гўзал бўлиши керак бўлган гул ноиложликдан япроқлари бирин-кетин тўкила бошлайди. Ҳа, мен бежизга фарзандларни гулга қиёсламадим. Чунки, шундай фарзандлар бор, ота-онасига меҳрибон, яна шундай фарзандлар борки жигаргўшасига бегона...

Бўладиган бола бошиданми?

Боланинг келажакда қандай инсон бўлиб камол топиши, албатта, оилада берилган тарбияга боғлиқ. Ота-она фарзанди билан қанча кўп шуғулланса, бола учун қанча кўп вақт ажратса, бола шунчалик ота-онага боғланиб ўсади. Биз кўп ҳолларда ота-оналарни фарзандига нисбатан беэътиборлигининг гувоҳи бўламиз. Мен кечаю кундуз меҳнат қилаяпман, боламнинг келажагини таъминлаяпман, уни ҳаммадан олди қилиб кийинтирган бўлсам, айтганини муҳайё қилаётган бўлсам, шу етарли деб ўйлайдиган инсонлар ҳам орамизда йўқ эмас. Афсуски, учраб туради. Ҳеч фарзандингизга эътибор бериб қараганмисиз? Уни кузатганмисиз? Балки у сиз билан вақтини ўтказишни хоҳлар, бирга ўйнашни, дарс тайёрлашни истар?

Бола ёшлигида жуда самимий, беғубор бўлади. Унинг қордек оппоқ юракчасига болаларча шўхлик ва ўжарликдан бошқа ҳеч нарса сиғмайди. Жажжи фарзандингиз бобоси берган ширинликдан сизга ҳам илингани, ундан сиз ҳам ейишингизни хоҳлагани, кичкина кафтчалари орасига ширинликни олиб оғзингизга солиб қўйганлари ёдингиздами?

Бу оламнинг подшолари бўлган болажонингиз сизга нисбатан юракчасида бир олам меҳр ҳис қилибдики, бундан сиз фақат қувонмоғингиз даркор. Гоҳида фарзандларимиз берган нарсаларни у болада, мен шу нарсани кўчада ҳам ея(ве)раман деб сизга узатган нарсани рад этишингиз мумкин. Бола бир марта беради, икки марта беради, охири ота-онам барибир менинг нарсамни емайдику деб ўйлай бошлайди. Ўйлаб кўринг, сиз бу ҳаракатингиз билан фарзандингиз қалбида эндигина ниш ураётган "меҳр" куртакларини сўндириб қўймаяпсизми?

Халқ орасида "бўладиган бола бошдан" деган нақл бор. Бола ўз-ўзидан меҳрли, ғамхўр бўлиб қолмайдику. Унга берилган тарбия оилавий муҳит таъсирида улғая борар экан боладан шу вақтда энг ақлли одам ким? – десанг, – "дадам", энг чиройли аёл ким? – деб сўрасанг, – "ойижоним" дея жавоб беради. Бу вақтда ота-она фарзанди учун идеал бўлади ва у атрофдаги барча нарсаларни, воқеа-ҳодисаларни ҳам қизиқувчанлик билан кузатади. Ёш бўла туриб бола эртак қаҳрамонлари, мультфильмлардаги қўрқмас баҳодирларга ўхшашни хоҳлайди. Ана шундай вақтда бола бирор ножўя иш қилса уни қойиш нотўғри, чунки бола ҳали буларни ақли етиб қилмаётган бўлади. Унга қилаётган ишлари нотўғрилигини секин уришмасдан тушунтириш, катта бўлганда эса, албатта, қаҳрамон бўлишини айтиш лозим. Ҳеч нарса ўз-ўзидан пайдо бўлмаганидек унутмайлик фарзанд ҳам бир кун келиб биз қандай меҳр берган бўлсак шундай меҳр қайтаради.

Болани доимий уриб-сўкишлар, камситишлар, ёки уни бошқа болаларга солиштиришлар бола руҳиятида тушкунлик ҳолатларини келтириб чиқариши мумкин. Бундай камситишлар ва солиштиришлар бола хотирасида бир умр муҳрланиб қолиши ва вақти келиб у нафратга айланиши ҳам мумкинлигини ҳам унутмайлик!

Куни келиб фарзандингиз бирор ножўя иш қилиб қўйса "мен унга шундай тарбия бергандимми" дея ўзингизни койишингиз мумкин. Ёдингизда тутинг, сиз болангизга бераётган меҳр ва эътибор сизнинг келажакда оладиган меҳр ва эътиборингизга айланиши ҳеч гап эмас.

Бир тасаввур қилиб кўринг, кундалик ҳаётимизда жамоат транспортларидан фойдаланамиз. Ҳеч эътибор қаратганмисиз? Ёшларнинг бир-бири билан муносабатга киришаётганларини. Улар оиласида олган тарбияси ва маданиятини намойиш этади. Улардаги бу ҳолат ҳаётга татбиқ этилиши билан бошқалар эътиборига тушади. Агар у салбий бўлса ҳаммада у болага нисбатан нафрат туйғуларини уйғотади. Ижобий ҳолатлар албатта ота-онасига раҳмат олиб келади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, иложи борича бола билан кўп вақт ўтказишга, у қизиққан машғулотларни биргаликда бажаришга ҳаракат қилинг. Фақат боламни молиявий тарафлама таъминлаяпман, шу етарли деб ўйласангиз, янглишасиз фарзандингиз сизнинг эътиборингиз ва меҳрингизга муҳтож бўлиши мумкинлигини ўйлаб кўринг.

Маъмур ПАРМОНОВ

Спорт янгиликлари

МУҲИМ УЧРАШУВ ОЛДИДАН

Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2018 йили Россияда ўтказиладиган жаҳон чемпионати саралашининг учинчи босқичи доирасидаги навбатдаги тур ўйинида иштирок этиш учун Қатар давлатига етиб келди.

Самвел Бабаян шогирдлари орасида жамоанинг етакчи ярим ҳимоячиси — Азиз Ҳайдаров бир оз жароҳатлангани боис 6 сентябрь куни Қатарга қарши бўлиб ўтадиган ўйинда иштирок этмайди. Унинг майдон марказидаги ўрнини катта эҳтимол билан "Пахтакор" аъзоси Жавоҳир Соҳибов эгаллаши кутилмоқда.

Ўзбекистон терма жамоасининг 23 нафар футболчиси "Ал Саад" стадионида бўлиб ўтадиган ўйинга тайёр. Иккинчи турда таркибга жалб этилган футболчилар билан танишинг: дарвозабонлар — Александр Лобанов ("Пахтакор"), Игнатий Нестеров ("Локомотив"), Элдор Суюнов ("Насаф"), ҳимоячилар — Ислом Тўхтахўжаев ("Локомотив"), Егорь Кримец ("Бейжинг Гоан" – Хитой), Анзур Исмоилов ("Чангчун Ятай" – Хитой), Азим Аҳмедов ("Пахтакор"), Даврон Ҳошимов, Станислав Андреев ("Пахтакор"), Виталий Денисов ("Локомотив" – Россия), Отабек Шукуров ("Бунёдкор"), ярим ҳимоячилар — Одил Аҳмедов ("Краснодар" – Россия), Сардор Рашидов ("Ал-Жаиш" – Қатар), Жасур Ҳасанов ("Қизилқум"), Жавоҳир Соҳибов, Жамшид Искандаров ("Пахтакор"), Марат Бикмаев, Сервер Жепаров ("Локомотив"), Достон Ҳамдамов ("Бунёдкор"), Саламат Қутибоев ("Бухоро"), ҳужумчилар — Игорь Сергеев ("Бейжинг Гоан" – Хитой), Элдор Шомуродов ("Бунёдкор"), Александр Гейнрих ("Ордабаси" – Қозоғистон).

Ботир ХЎЖАЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига Юнусобод туман СИБ томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар Яшнобод туман судининг 2016 йил 30 мартдаги 1-23-/16-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Юнусобод 14-даҳаси, 65-уй манзилида жойлашган умумий майдони 71.70 кв.м, яшаш майдони 42.25 кв.м бўлган, 141-хонадон қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 159 639 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2016 йил 11 октябрь куни соат 12:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 7 октябрь куни соат 18:00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Ko`chmas Mulk Savdo Xizmati" МЧЖнинг "Ипак йўли банки" АИТБ Сағбон ф-даги 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519 ҳ/рга тўлашлари шарт.

Аукцион ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел/Факс: 228-80-23. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001.

ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

"Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан онлайн-аризаларни қабул қилиш тизими амалиётга тадбиқ этилган бўлиб, унга кўра, жисмоний ҳамда юридик шахсларга кўчмас мулк билан боғлиқ барча кўринишдаги хизматлардан фойдаланиш имконияти яратилди.

Кадастр ҳужжатини расмийлаштириш, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш ва турли кўринишдаги маълумотларни тақдим этиш учун юборилган аризаларни кўриб чиқиш **odnookno.uz** интернет саҳифасидаги аризаларни қабул қилиш онлайн-сервиси орқали амалга оширилади. Давлат хизматларидан фойдаланиш учун онлайн-аризани юбориш кифоя бўлиб, ушбу ариза ижросини унинг махсус рақами ёрдамида кузатиб бориш имкони мавжуд.

Бундан ташқари, жисмоний ва юридик шахслар кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун Ягона интерактив давлат хизматлари портали **(my.gov.uz)** орқали ваколатли орган — "Ергеодезкадастр" давлат қўмитасига ариза беришлари мумкин. Ягона портал орқали келиб тушган аризалар марказлашган ҳолда мониторинг ва назорат қилинади ҳамда юридик ва жисмоний шахсларга қулай, тез ва ошкора хизмат кўрсатилиши таъминланади.





Жаҳон шахмат олимпиадаси – 2016

ШАХМАТЧИЛАРИМИЗ ҒАЛАБАЛАРИ

Шахмат бўйича Ўзбекистон эркаклар ва хотин-қизлар терма жамоалари Озарбайжонда ўтказилаётган жаҳон шахмат олимпиадасида муваффақиятли иштирок этмоқда.

Боку шаҳри мезбонлик қилаётган бу галги жаҳон шахмат олимпиадасида 170 дан зиёд давлат шахматчилари ғолиблик учун кураш олиб бормоқда. Ўн бир турдан иборат олимпиаданинг ҳар бир учрашувида терма жамоаларнинг тўрттадан ўйинчиси иштирок этади. Ғолиб тўрт партиянинг умумий натижаси бўйича аниқланади.

Эркаклар ўртасидаги мусобақаларда мамлакатимиз шарафини халқаро гроссмейстерлар – жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов, Антон Филиппов, Марат Жумаев, Жаҳонгир Воҳидов ва ёш иқтидорли шахматчимиз Нодирбек Ёқуббоев ҳимоя қилмоқда. Хотин-қизлар мусобақасида халқаро гроссмейстер Нафиса Мўминова, халқаро тоифадаги спорт усталари Гулруҳбегим Тоҳиржонова, Ирина Геворгян, Сарвиноз Қурбонбоева ва тажрибали шахматчимиз Нодира Нодиржонова дона сурмоқда.

181 жамоа иштирок этаётган эркаклар мусобақасида Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари биринчи турда брунейлик шахматчиларни 4:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Жаҳонгир Воҳидов Сун Вей Йега, Антон Филиппов Ҳафизон Омарга, Марат Жумаев Алиуддин Азаҳарига, Нодирбек Ёқуббоев Омар Баки Жапарга ҳеч қандай имконият қолдирмади.

Иккинчи турда шахматчиларимиз Доминикан Республикаси терма жамоасини ҳам 4:0 ҳисобида енгди. Рустам Қосимжонов Хосе Лисандро Муноз Сантана, Жаҳонгир Воҳидов Нельсон Пинал Боргес, Антон Филиппов Хосе Маунэль Домингес, Нодирбек Ёқуббоев Карлос Пол Эбрю Жан устидан ғалаба қозонди.

Учинчи турда шахматчиларимиз Чехия терма жамоаси билан баҳслашади.

Хотин-қизлар мусобақасида 142 жамоа бош соврин учун баҳсга киришди. Шахматчи қизларимиз биринчи турда парагвайликларни 4:0 ҳисобида доғда қолдирди. Нафиса Мўминова Габриела Варгасни, Ирина Геворгян Далила Перезни, Сарвиноз Қурбонбоева Летиция Авалосни, Нодира Нодиржонова Монцеррат Рохасни мот қилди.

Иккинчи турда қизларимиз бельгиялик шахматчилар устидан 3:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Мазкур турда Ирина Геворгян Сара Диеркенсни, Сарвиноз Қурбонбоева Астрид Барбиерни енгган бўлса, Нафиса Мўминова Ханне Гуссенс билан, Гулруҳбегим Тоҳиржонова эса Юлия Морозова билан дуранг ўйнади.

Энди учинчи турда Ўзбекистон хотин-қизлар терма жамоаси россиялик шахматчилар билан баҳслашади.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎзА мухбири

Шифобахш неъматлар

НОКНИНГ ФОЙДАЛИ ХУСУСИЯТЛАРИ

"Nutrition And You" ресурси саҳифаларида нокнинг фойдали хусусиятлари ҳақида маълумотлар берилган бўлиб, ушбу маълумотлар билан танишиш барча учун фойдадан холи эмас.

Нок саломатлик учун зарур бўлган озуқа толаси, антиоксидант, минерал ва витаминларга бой мева ҳисобланади. Нок — озуқа клетчаткасининг манбаидир. Бу мевани мунтазам равишда истеъмол қилиш ичак ракининг олдини олади.

Бундан ташқари, нок паст калорияли мевалар сирасига киради. Унинг энергетик қиймати 100 граммга 58 килокалорияни ташкил этади. Бундай мевалар асосида парҳез қилиш ортиқча вазн ва холестериндан қутулишга ёрдам беради.

Нокда етарлича миқдорда С витамини мужассам. 100 грамм янги нокда ушбу муҳим витаминнинг кунлик истеъмол миқдорининг 7 фоизи мавжуд.

Нок таркибида шунингдек, оз миқдорда бета-каротин, лютеин ва зеаксантин мавжуд. Улар С ва А витаминлари билан биргаликда организмни зарарли моддалардан муҳофаза қилади.

Нок бир қатор минераллар — мис, темир, калий, магний ва В витаминлар комплексининг ҳам манбаи ҳисобланади. Анъанавий тиббиётда нокдан қабзият, ўт пуфаги касалликлари, артритни даволашда фойдаланилади.

НОКНИНГ ОЗУҚАВИЙ ҚИЙМАТИ

Қуйида нокнинг озуқавий қиймати АҚШ қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 100 грамм нок ҳисобида олинган ўлчови асосида "Nutrition And You" ресурси саҳифаларида чоп этилган маълумотлар бўйича келтирилган.

Умумий маълумотлар:
энергетик қиймати — 58 килокалория (3 фоиз);
углеводлар — 13,81 грамм (11 фоиз);
оқсил — 0,38 грамм (1 фоиз);
ёғлар — 0,12 грамм (0,5 фоиз);
озиқ-овқат таркибидаги клетчатка (озуқа толаси) — 3,10 грамм (8 фоиз).

Витаминлар:
фолий кислотаси (витамин В9) — 7 микрограмм (2 фоиз);
никотин кислотаси (витамин В3) — 0,157 миллиграмм (1 фоиз);
пантотен кислотаси — 0,048 миллиграмм (1 фоиз);
пиридоксин (витамин В6) — 0,028 миллиграмм (2 фоиз);
рибофлавин (витамин В2) — 0,025 миллиграмм (2 фоиз);
тиамин (витамин В1) — 0,012 миллиграмм (1 фоиз);
А витамини — 23 халқаро бирлик (ME, IU) — 1 фоиз;
С витамини — 4,2 миллиграмм (7 фоиз);
Е витамини — 0,12 миллиграмм (1 фоиз);
К витамини — 4,5 микрограмм (4 фоиз).

Электролитлар:
натрий — 1 миллиграмм (0 фоиз);
калий — 119 миллиграмм (2,5 фоиз).

Минераллар:
кальций — 9 миллиграмм (1 фоиз);
мис — 0,082 миллиграмм (9 фоиз);
темир — 0,17 миллиграмм (2 фоиз);
магний — 7 миллиграмм (2 фоиз);
фосфор — 11 миллиграмм (2 фоиз);
рух — 0,10 миллиграмм (1 фоиз).

Фитонутриентлар:
бета-каротин (β-каротин) — 12 микрограмм;
бета-криптоксантин (β-криптоксантин) — 2 микрограмм;
лютеин-зеаксантин — 45 микрограмм.

Дамир НУРИЛЛАЕВ тайёрлади

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР/ РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

2016 йил 27 сентябрь куни соат 11.00да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган "Очиқ аукцион" савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари тақроран чиқарилмоқда: 1. Миробод туман СИБ томонидан хатланган: 1.1. "Space Arsenal Service" МЧЖда сақланаётган: ЖИБ Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 04.05.2015 йилдаги 1-219/15-сонли ижро варақасига асосан бошланғич баҳоси 19 391 620 сўм бўлган 2010 йилда и/ч, д/р 01B254NA, "Матиз" р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент шаҳар Сергели туман судининг 24.10.2014 йилдаги 1-761/14-сонли ижро варақасига асосан бошланғич баҳоси 18 903 490 сўм бўлган 2010 йилда и/ч, д/р 01C810PA, "Матиз Бест" р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 19.02.2016 йилдаги 1-882/2015-сонли ижро варақасига асосан бошланғич баҳоси 17 242 991 сўм бўлган 1998 йилда и/ч, д/р 01X845AA, "Дамас" р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 06.08.2014 йилдаги 1-528/2014-сонли ижро варақасига асосан бошланғич баҳоси 8 245 604 сўм бўлган 1992 йилда и/ч, д/р 01X726NA, "Тико" р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент шаҳар Сергели туман судининг 02.03.2012 йилдаги 1-98/12-сонли ижро варақасига асосан бошланғич баҳоси 5 053 903 сўм бўлган 1990 йилда и/ч, д/р 01D976EA, "ВАЗ-2105" р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 21.10.2014 йилдаги 1-495/14-сонли ижро варақасига асосан бошланғич баҳоси 17 200 696 сўм бўлган 1999 йилда и/ч, д/р 01Y972MA, "Нексия" р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман судининг 15.03.2016 йилдаги 1-131/2016-сонли ижро варақасига асосан бошланғич баҳоси 11 864 591 сўм бўлган 1990 йилда и/ч, д/р 01T679NA, "ВАЗ-21061" р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент шаҳар Миробод туман судининг 18.03.2016 йилдаги 1-329/2015-сонли ижро варақасига асосан бошланғич баҳоси 5 222 670 сўм бўлган 1976 йилда и/ч, д/р 01O646KA, "ВАЗ-2101" р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман судининг 18.05.2015 йилдаги 1-275-15-сонли ижро варақасига асосан бошланғич баҳоси 5 320 000 сўм бўлган 1981 йилда и/ч, д/р 01N429MA, "ВАЗ-21011" р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент шаҳар Олмазор туман судининг 06.11.2015 йилдаги 1-599/15-сонли ижро варақасига асосан бошланғич баҳоси 3 655 556 сўм бўлган 1989 йилда и/ч, д/р 01Q189MA, "ВАЗ-21063" р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 25.08.2015 йилдаги 1-662/2015-сонли ижро варақасига асосан бошланғич баҳоси 5 015 000 сўм бўлган 1978 йилда и/ч, д/р 01P840BA, "ВАЗ-2101" р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент шаҳар Олмазор туман судининг 30.06.2014 йилдаги 1-303/14-сонли ижро варақасига асосан бошланғич баҳоси 4 259 120 сўм бўлган 1974 йилда и/ч, д/р 01V046JA, "ВАЗ-2103" р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент шаҳар Миробод туман судининг 18.05.2014 йилдаги 1-366/2014-сонли ижро варақасига асосан бошланғич баҳоси 16 192 952 сўм бўлган 2001 йилда и/ч, д/р 30/090TTE, "Нексия" р-ли ав-на; 1.2. ЖИБ Тошкент вилоят судининг 28.02.2014 йилдаги 2-249/14-сонли ижро варақасига асосан МХХ Тошкент вилояти бошқармасида сақланаётган бошланғич баҳоси 1 304 921 сўм бўлган 1987 йилда и/ч, д/р 11D205, "ЯВА-350" р-ли мотоналиёт; 1.3. Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 05.11.2015 йилдаги 30-сонли ижро варақасига асосан МХХ Тошкент шаҳар бошқармасида сақланаётган: бошланғич баҳоси 61 200 000 сўм бўлган 1991 йилда и/ч, д/р 01/3227AA, "CHEREAU" р-ли юк ав-на; бошланғич баҳоси 61 200 000 сўм бўлган 1991 йилда и/ч, д/р 01/4519AA, "SHMITZ" р-ли юк ав-на; бошланғич баҳоси 68 500 000 сўм бўлган 1998 йилда и/ч, д/р 01/3126AA, "CHEREAU SKO-24" р-ли юк ав-на; бошланғич баҳоси 115 000 000 сўм бўлган 1998 йилда и/ч, д/р 01X868LA, "MAN-19463 FLTN" р-ли юк ав-на; бошланғич баҳоси 112 200 000 сўм бўлган 1996 йилда и/ч, д/р 01X820LA, "Mercedec-Benz Actiroc-1844" р-ли юк ав-на; бошланғич баҳоси 165 000 000 сўм бўлган 2005 йилда и/ч, д/р 01O820LA, "Mercedec-Benz Actiroc-1844" р-ли юк ав-на; 1.4. ФИБ Учтепа туманлараро судининг 04.03.2016 йилдаги 1-2322/16-сонли ижро варақасига асосан "Зафар-И" божхона омборида сақланаётган: бошланғич баҳоси 385 092 000 сўм бўлган 2013 йилда и/ч, давлат рақамисиз, "SINOTRUK HOWO" р-ли юк ав-на; бошланғич баҳоси 204 753 000 сўм бўлган 1997 йилда и/ч, д/р WRA 22019, "VOLVO FH-12" р-ли юк ав-на; 2. Тошкент Ҳарбий округи Ҳарбий судининг 25.11.2015 йилдаги 34-3/15-сонли ижро варақасига асосан Чилонзор туман СИБ томонидан хатланган Чилонзор туман СИБ ҳовлисида сақланаётган бошланғич баҳоси 52 800 000 сўм бўлган 2014 йилда и/ч, д/р 01S229SA, "COBALT" р-ли ав-на;

2016 йил 11 октябрь куни соат 11.00да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган "Очиқ аукцион" савдосига ЖИБ Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 21.06.2013 йилдаги 1-445/2013-сонли ижро варақасига асосан Миробод туман СИБ томонидан хатланган Тошкент шаҳар ИИББ "Ахборот Маркази" омборхонасида сақланаётган бошланғич баҳоси 24 957 471 сўм бўлган 2007 йилда и/ч, д/р 30N519EA, "Нексия DOHC GLE" р-ли ав-на қўйилмоқда. Савдолар "AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг савдолар залида бўлиб ўтади. Аукцион савдосига қўйилган автотранспорт воситаси билан туман СИБ вакили иштирокида бевосита танишиш мумкин. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк кун ичида мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим. Талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва аукцион савдоси бошланишидан 1 (бир) кун олдин соат 11:00да тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар "Закалат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолагандан сўнг мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг АТБ "*Infin*BANK" банкдаги МФО: 01041, ИНН: 302477464, 20208000505015685001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Манзил: Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. E-mail: info@auksion.uz. Тел: (95) 193-74-96.

Гувоҳнома № 005148

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида ***6 сентябрь*** *куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 16-18, кундузи — 32-34 даража иссиқ бўлади.*

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, ***6 сентябрда*** *Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво мухитида зарарли моддаларнинг бир оз сақланиб қолишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9227

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 955

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4875 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди: 16.20

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ